



# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 128 (9624).

1989 йил 7 июль • жума •

Баҳоси 3 тийин.

## СОВЕТ РАХБАРНИНГ ФРАНЦИЯГА ВИЗИТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, 5 июль. (ТАСС махсус мухбири). Зафар арнаси — Франция пойтахтининг энг жозибдор жойларидан бири. Номгаълум солдат қабри шу ерда, ҳар бир французнинг дилига азиз бўлган шу жойдан М. С. Горбачевнинг Францияга расмий визити иккинчи кунини бошлади.

М. С. Горбачев миллий гвардия фахрий қорувли сафини айланиб ўтди, рапорт қабул қилди. Совет Иттифоқи ва Франция гимнлари ийгради. Совет раҳбари қабрга атиргул ва чиниғуллардан гулчамбар қўйди. Ўз ватанининг муқтадирлиги учун жон берган француз жангчилари хотирасини ёдлаб бир дақиқа сукут сағлаб турилади.

М. С. Горбачев бу ерга таклиф этилган парикдларини самийий табриклиди. Улар орасида Қаршилик ҳаракатининг ветеранлари, «Нормандия — Нема» авиация полкининг сойқ учувчилари бор эди. Ветеранлар ҳам, ёш французлар ҳам Совет Иттифоқлик олий мартабали меҳмон Парижга келган биринчи кунини Бастилия майдонини зиёрат қилишдан бошлаганини, бугун эрталаб эса жанг майдонларида ҳалок бўлган французлар хотирасига ҳурмат бажо келтирганини муносиб баҳоламақдалар.

Автомашиналар қортежи ана пойтахтнинг бош магистралли — Елисей майдонига чиқади. Бугун буюк француз революциясининг рамзий маъноси ва бўёқларини ўзида мужассамлаштирган майдоннинг байрамона либосига қизил ранг қўшилганлиги аққол сезилиб турибди — Совет Иттифоқининг байроқлари 14 июль байрамига ҳозирлик қўриб қўйган Парижнинг ранг-баранг безакларига ҳусн қўшди.

Сўнгра Сена дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб шаҳарнинг энг қадимий меъморилик ёдгорлиги бўлмиш Париж ҳокимининг маҳкамаси биноси томон йўл олинади. Маҳкамага кирверилди

М. С. Горбачевга Париж ҳокими Жак Ширак пeshвоз чиқиб, муниципалитет аъзоларини меҳмонга таништирди.

Людовик XIII замонда қурилган Париж ратушасининг 350 йиллик тарихида ҳам буюк француз революцияси билан боғлиқ воқеалар алоҳида ўрин тутди. 1871 йилда эса маҳкама олдидаги майдонда Париж коммунаси эълон қилинган эди. Шаҳар муниципалитетининг диққатга сазовор жойлари кўздан кечирилгач, М. С. Горбачев Ж. Ширак билан қисқача суҳбатлашди.

Чошгоҳда Совет давлатининг бошчилигини Европанинг энг кўҳна университети — Европа қитъасидаги биринчи дунёвий олий ўқув юрти — Сорбоннада кутар эдилар. М. С. Горбачев бу ерга келиши биланоқ уни студентлар, профессорлар қуршаб

олишди. Париж университетларининг ректори М. Жандро-Массалу ҳамроҳлигида у Сорбоннанинг катта залига кирди, бу ерда француз зиёлиларининг намоёндалари тўпланишган эди.

М. С. Горбачев йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади. Француз зиёлиларининг намоёндалари билан бўлган суҳбатдан кейин М. С. Горбачев ректоратда бўлди. Бу ерда унга Сорбоннанинг эсдалик медали топирилди.

Маринья қароргоҳида совет раҳбари Франция Бош вазирини Мишель Рокар шарафига нонушта зиёфат берди.

Елисей саройида Совет-Франция музокалари давомида эътирдилар. Сўнгра битимларни имзолаш маросими бўлди.

ТАСС мухбири ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзедан визитнинг эришилган натижаларини шарҳлаб

бершини илтимос қилди. Министр бундай деди: Кеца М. С. Горбачевнинг Президент Франсуа Миттеран билан биринчи учрашуви бўлди, бу — халқаро вазиятнинг энг ўқир муаммолари, Европа жараёни билан, иккинчи томонлама муносабатлар билан боғлиқ масалаларга оид жуда муҳим суҳбат бўлганлиги маълум. Суҳбат чоғида ҳозирги замоннинг кўпгина масалалари ҳусусида кенг иноқлик соҳаси мавжудлиги маълум бўлди. Бугун ва эрталаб турли поғоналардаги учрашулар давом эттирилади.

Бир қанча битимлар — иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги, Парижда ва Москвада маданият марказларини барпо этиш ҳақидаги битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, битта визит давомида мисли кўрилмаган миқдордаги битимлар имзоланди, деб таъкидлади Э. А. Шеварднадзе. Албатта, бундан аввал барча идора-

лар, шу жумладан дипломатия идоралари катта таъйёрлик ишини қилган эдилар. Натижалар — салмоқли. Музокалардаги муҳит яхшиланиши ҳам айтмоқ керак. Шу сабабли визитни ҳеч муносабатлариди буюк воқеа деб таърифлай олам.

Парижликлар М. С. Горбачевни сийқидилан самий ва яхши кутиб олмақдалар, деди сўзининг охирида министр. Бастилия майдонида кеча бўлиб ўтган учрашу айниқса ҳаяжонли бўлди. Ҳазиллашиб министр бу учрашуни «Бастилиянинг олиниси» деб атади.

Куннинг охирида Елисей саройида М. С. Горбачев билан Ф. Миттераннинг матбуот конференцияси бўлди.

**Н. ЕРМАКОВ,  
Н. ЖЕЛЕЗНОВ,  
Ю. ЛОПАТИН,  
В. КУСНЕВ,  
Г. ШИШКИН.**



М. С. Горбачев фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирмоқда.

(«ТРУД»дан).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

МОСКВА, Кремль, СССР Олий Советининг мажлислар зали. 5 июль, эрталаб соат 10. Раислик қилувчи А. И. Лукьянов палаталарнинг навбатдаги қўшма мажлисини очди.

Депутатлар СССР Министрлар Советининг состави тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни давом эттирдилар.

СССР Металлургия министри лавозимига С. В. Колпаковни тайинлаш таклифи қилинди.

Металлургия саноатидаги ишларнинг аҳоли тўғрисида ахборот бериш ва депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш учун С. В. Колпаковга сўз берилди.

С. В. Колпаковнинг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан А. Н. Пенягин, А. Ф. Касьянов, В. Я. Медиков, А. В. Гриб, В. А. Ноздря, В. А. Яриш, В. А. Челишев, К. З. Ромазанов қатнашдилар.

СССР Олий Совети С. В. Колпаковни СССР Металлургия министри қилиб тайинлади.

Муҳокама қилинаётган номзодлар юзасидан кўпгина депутатлар фикр билдириш иштиёқида эканликларини эътиборга олиб, раислик қилувчи асосий масалага, номзодларнинг шахсини ва уларнинг программаларини баҳолашга қаратишга, регионал характерга эга бўлган келер таклифларини эса амалий тартибда ҳал этиш учун қолдиришга қарор қилди.

СССР деңиз флоти министри лавозимига Ю. М. Вольмерни тасдиқлаш таклифи қилинди.

Ю. М. Вольмер тармоқнинг келгусидаги фаолияти программасини қисқача баён этиб берди.

Депутатлардан И. П. Зеленский, В. А. Шеховцов ва В. А. Тетенов номзод шайнига муҳокама этиш таклифлар айтишди.

Ю. М. Вольмерни СССР деңиз флоти министри қилиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул этилди.

СССР муҳофаа саноати министри лавозимига тавсия этилган Б. М. Белоусов номзодини муҳокама этиш таклифи қилинди.

Б. М. Белоусов кўпчилик овоз билан СССР муҳофаа саноати министри қилиб тайинланди.

О. Н. Шишкинни СССР умумий машинасозлик министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги масала депутатларнинг муҳокамасига қўйилди.

Депутатлар П. М. Клишчук ва Е. Н. Оуликов умуий машинасозлик министри лавозимига номзод ва тармоқдаги ишларнинг аҳоли тўғрисидаги ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

СССР Олий Совети О. Н. Шишкинни СССР умумий машинасозлик министри қилиб тайинлади.

СССР темир йўллар министри лавозимига Н. С. Конарев тавсия қилинди. У министрлик фаолияти концепциясини қисқача баён этиш учун минбарга таклиф қилинди.

Таклиф этилган номзоднинг амалий таъкилотчилик фаилатларига тармоқдаги ишларнинг аҳолига баҳо беришда депутатлардан В. И. Колесников, С. Л. Хариф, С. И. Матвейчук, С. В. Бойков, А. П. Орехов, А. А. Селегин, Л. И. Митюхин, С. Н. Хожиев, А. А. Гечев ва бошқалар қатнашдилар. Депутатларнинг нутқларида давлат шайнига қаттиқ таъкидий фикрлар айтилди. Унинг министрлик олдида турган муҳим вазифаларини бажаришга қодирлиги ҳусусида шубҳа билдирилди.

СССР Олий Совети кўпчилик овоз билан Н. С. Конарев номзодини рад этди.

Сессия ишида танаффус эълон қилинди. Танаффус давомида СССР халқ депутатлари А. А. Громико билан видолашдилар.

Раислик қилувчи атоқли давлат арбоби А. А. Громиконини Новодөвичье қабристонида дафн этишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаётган меҳнатқашлардан СССР Олий Совети Президиуми номига телеграммалар келганлигини хабар қилди. Шу муносабат билан марҳумнинг беваеси ва бутун оиласининг илтимосига биноан А. А. Громиконини Новодөвичье қабристонида дафн этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳусусида тушунтириш берилди.

Танаффусдан кейин депутатлар СССР Министрлар Советининг состави тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирдилар.

СССР радио саноати министри лавозимига В. И. Шимконинг номзодини кўриб чиқиш таклифи қилинди.

Таклиф қилинган номзод юзасидан бошланган музокарада депутатлардан В. А. Лабунюв, З. К. Матешук, В. С. Подзвурк, Е. П. Велихов қатнашдилар.

В. И. Шимко СССР радио саноати министри этиб тайинланди.

СССР Министрлар Совети томонидан СССР балиқ ҳўжалиги министри лавозимига тавсия этилган Н. И. Котляр номзодини муҳокама қилиш таклифи қилинди.

Депутатлардан В. В. Косигин, В. В. Саватковский О. М. Егоров, А. В. Яблоков танқидий мулоҳазаларини, тармоқ ишини яхшилаш йўллари ҳақидаги фикрларини айтдилар.

Н. И. Котляр СССР балиқ ҳўжалиги министри этиб тайинланди.

СССР нефть ва газ саноати қорхоналари қурилиши министри лавозимига тавсия этилган В. Г. Чирсков номзоди депутатларнинг муҳокамасига қўйилди.

Таклиф этилган номзодни ҳамда нефть ва газ саноати қорхоналари қурилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни муҳокама қилишда депутатлардан И. И. Миссула, Р. П. Рутин, Н. Н. Воронцов, М. М. Сафин, В. Н. Никольский, В. И. Кисин, В. Н. Елькин қатнашдилар. Муноразар давомида номзод ва у бошчилиги қилаётган тармоқ шайнига жиддий мулоҳазалар айтилди, аниқ-равшан таклифлар киритилди.

СССР Олий Совети В. Г. Чирсковни СССР нефть ва газ саноати қорхоналари қурилиши министри қилиб тайинлади.

Депутатларга И. В. Коксановни СССР кемаасозлик саноати министри лавозимига тайинлаш таклифи қилинди.

Раислик қилувчи СССР ҳукумати составига қўрсатилган номзодини минбарга таклиф қилди.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиққан депутат В. А. Ополинский ўз мулоҳазаси ва таклифларини айтди.

Кўпчилик овоз билан И. В. Коксановни СССР кемаасозлик саноати министри этиб тайинланди.

В. А. Брекневни СССР транспорт қурилиши министри лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масала сессия муҳокамасига қўйилди.

Депутатлардан Г. Паллаев, Н. Ф. Валесев сўз олиб, В. А. Брекневнинг номзоди, министрликдаги ишларнинг аҳоли ҳақидаги ўз фикрларини айтдилар.

В. А. Брекневни СССР транспорт қурилиши министри қилиб тайинланди.

СССР Олий Советининг сессияси СССР Олий Совети комитетлари составига депутатлар бир гуруппасини қўшмачи равишда сайлаш ва айрим депутатларни бир комитетдан иккинчига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлар тартиб-қоида тусидаги баъзи масалаларни муҳокама қилдилар.

Депутатлардан бир гуруппаси 4 июль кунини совет ҳарбий самолёти билан рўй берган моҳорат ҳусусида сўров билан мувожаат этиш СССР Қурулди Қучлари Бош штаби бошчилигини биринчи ўринбосари генерал-полковник Б. А. Омельчук шу масала юзасидан маълумот берди.

Палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

6 июлда СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

5 июль кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Каримов Тошкентдаги Миллий Халқ Республикасининг бош консули И. Буянтоттох, Афғонистон Республикасининг бош консули Г. Х. Хамгар, Хиндистон Республикасининг бош консули И. Кумар, Ливия араб халқ социалистик жамаҳириятининг бош консули А.-М. А.-Г. Омранни қабул қилди.

Консуллик ваколатхоналарининг бошчилигида номида И. Буянтоттох И. А. Каримов юксак лавозимга сайланганлиги билан табрикланди, ишда муваффақият, республика меҳнатқашларига эсон-омонлик тилалди.

И. А. Каримов самийий сўзлар учун миннатдорчилик

билдирди. Ўзбекистонда қайта қуриш қандай бораётганини ҳақида таъриб берди, яқин вақт ичида ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларга тўхтади. Булар орасида уй-жой, сойқ-овқат билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиш масалалари бор. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан меҳнатқашларнинг иқодий ташаббусини ривожлантиришга боғлиқдир, мамлакатда рўй бераётган революциялар оқибатларида.

Сўхбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Г. Х. Қодиров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштироқ этдилар.

(ЎзТАГ).

## КОМИССИЯ ИШЛАМОҚДА

ФАРҒОНА, 5 июль. (ЎзТАГ). Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов бошчилик қилаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссияси бу ерда турибди. Комиссиянинг мақсади — июль ойининг дастлабки кунларида Фарғона областида рўй берган фожияли воқеаларни чуқур, атрафли ўрганиш ва унинг сабабларини таҳлил этиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати областаги аҳолини барқарорлаштириш юзасидан белгиланган барча тадбирлар комплексини қандай бажарилаётганлигини текшириш.

Комиссия аъзолари К. Уасой, Марғилон, Тошлода, областининг бир қанча районларида бўлишди, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари

билан, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди. Ўзёнов районида партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашув бўлди. Комиссия аъзолари Фарғона шаҳрида область территориясида яшовчи турли миллат вакиллари билан учрашди.

Қорхоналар, қолхозлар ва совхозларнинг меҳнат коллективларида ҳам бўлаётган бундай учрашулар ва суҳбатлар чоғида аҳоли ўртада саросима тугдирадиган иттифоқлардан иборат мишмиш қирқин юзасидан шайни қирқин чоралар қўриш муҳимлиги таъкидланмоқда. Комиссия аъзолари М. С. Горбачевнинг марказий телевидение орқали сўзлаган нутқининг маъмуини улар тўшунтириб беришмоқда. Қорхоналар, ҳўжаликлар, олий ўқув юртлари партия

комитетлари ва бошланғич таъкилотларининг меҳнатқашларини, айниқса ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш, меҳнат коллективларида ва аҳоли истиқомат жойларида маънавий-психологик иқлимни соғломлаштириш юзасидан олиб бораётган ишлари таҳлилга, областаги социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Комиссия ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси А. С. Ефимов қатнашмоқдалар.

Қадри оналар ва опа-сингиллар! Ўзбекистон Хотин-қизлар кенгашининг фаол аъзолари сизларга, қалби кенг, раҳим-шафқатли оналар ва опа-сингилларга мурожаат этмоқдалар.

Ҳар бир инсон учун аёл ҳаминча азиз ва ҳаминча қадрдондир. Биз тилга қириб, биринчи айтганим сўзини «она» сўзидир. Онамиз бўлган меҳнатқаш аёл Ер юзида тинчлик, омон-эсонлик, хонадондаги бахт-саодат ва осийиштакли рамизидир. Азжойиб совет хотин-қизлари Ватанимиз тарихига кўплаб шайни саҳифалар битишган. Мамлакатимизда қайта қуриш учун, Бутуниттifoқ XIX партия конференцияси, СССР халқ депутатлари биринчи съезди қарорларини амалга ошириш учун доллар, ниқиллоқ қураш авж олган ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг роли, айниқса, буюкдир.

Аммо совет жамаиятининг покляниши ва янгилашшига ҳалакат беришга янтилаётган қулаш ҳам бор. Бу қулаш пайдо бўлган қийинчиликлар билан қайқовчилик қилиб, олға қараб қилаётган ҳаракатимиз йўлини тўсишга, бизни орқага қайтаришга

уринмоқдалар. Миллатчилик басвасига тушган ана шу қулаш буюк Иттифоқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган халқларининг қардошларча дўстлигига қўл кўтардилар.

Носоролм ахтирослар авжига чиқаётган бир вақтда республикамизнинг хотин-қизлари бефарқ қараб тура олмайдилар. Фарғона областа содир бўлган муҳиш воқеа тинчликка қарши, инсонийликка қарши, дўстлик ва қардошлиқка қарши даҳшатли жиноятдир. Қон тўкиди, минг-миглар одамлар азоб-уқубат чекмоқдалар. Миллатларда қатъи назар оналар бошига беқисс оғир қулфат тушди. Оналар ўз фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб ўстирар эканлар, уларми бахт-саодат, ширин ҳаёт тайилдилар. Қотиллик она табияти билан сира-сира чиқша олмайдилар. Ўрларимиз, ака-укаларимиз, фарзандларимиз қўшнларга қўл кўтаргудек бўлишга, нахотки биз аёллар уларнинг йўлини тўсмаймиз? Биз, ёшлар баъзан тушуниб, тушунмай

қилган хатти-ҳаракатларини биродарқушлиқка йўналтириб юборган қимсаларини қаттиқ қоралаймиз.

Республикада муаммолар кўп, ёшларга тааллуқли муаммолар ҳам бор, албатта. Бу масалалар тўсатдан пайдо бўлган. Йўл ва уларни ҳал этиш учун вақт зарур бўлди. Лекин, бу муаммоларни миллатлараро ниқоқини авж олдириш йўли билан эмас, балки ақл-идрок билан, инсоний ҳал этиш керак. Оналарида, ишлари ва жамаиятдаги маънавий психологик муҳит кўп жиҳатдан сиз билан бизга, яъни хотин-қизларга боғлиқдир. Гўдакларимизга она сўти билан фақат ҳаёт қувончларини эмас, шу билан бирга бизнинг эътиқодимиз, маслаҳатимиз, ҳаётини позицияларимиз ҳам ўтади.

Ўлкамизнинг интернационализм аънавалари бой, дўстлик, ўзаро ердан, раҳм-шафқат ва иззат-ҳурмат бизнинг асосий қонунимиз эди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буюк ҳам ана шундай бўладди. Урушнинг беомон йил-

ларида саҳоватли ўзбек замини неча юз миғлар етим қолган болаларнинг бошини силди. Барча иттифоқдош республикалардан келган қардошларимиз зилзала сабабдан вайрон бўлган. Тошкент ва Газ шаҳарларини тилқилдилар. Биз, кўпчиллик, Ўзбекистоннинг хотин-қизлари ўз қадрларини йўлларидан бош олиб чиқиб кетган қийинчиликларни дилдан сезиб ва тушуниб қарор қилди. Қувончли онларда ҳам, бошимизга қулфат тушганида ҳам биз ҳеч қачон миллатнинг нима деб сўраганимиз, ҳаминча бир-биримизнинг мададига ва ердимизга суянганимиз.

Нахотки, ҳозир буларнинг ҳаммасини унутуш мумкин бўлса? Оналар болалар дилига эзгулик ва иноқлик уруғларини сочилиши лозим. Биз бугун барча оналарга мурожаат қилиб айтмишми, болалар сиздан дўстлик ва қардошлиқ, инсоний қадриятларини асраб-авайлаб сақлаш сабогини олишсин. Миллий ниқоқнинг авж олиб

кетилиши йўл қўймаслик, болаларни бебошлиқдан асраб-авайлаш, уларга ҳаётда ўз йўлларини топиб олишга ердан бериш, фарзандларини ҳар бир халқнинг бебаҳо мулки бўлган эгзу аънавалар руҳида тарбиялаш ҳар бир онанинг бурчидир.

Биз эркакларга — оталаримиз, эрларимиз, ака-укаларимизга мурожаат қиламиш. Ингитлар, онлада сизлардан ўрнат олишди, катталарга эътибор сизларга қилиб қилишди.

Ҳозир сизнинг зимманингизга катта маъсулият тушган. Сизнинг донолигингиз ва ақл-идрокнингиз, миллатлараро эҳтиросларини тўхташга қорловчи мардона сўзингиз ийғилларини ноқуя хатти-ҳаракатлардан тўхтатиб қолиши мумкин.

Шунга аминмишми, ҳеч ким четда турмаслиги керак. Келинг, сўзда эмас, балки амалда халқларимизнинг буюк интернационал дўстлигини асраб-авайлайлик ва мустақамлашайлик.

**МУРОЖААТНОМА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.**

риясини пропагандаси бўлими мудири.

**ИСЛОМОВА Матлуба Рихисовна** — республика радиоташкилотириш иқтисодий-рессий программаси бош редакциясининг шарҳловчиси.

**КАШИЛАНКА Тамара Моисеевна** — «Правда Востока» газети редакцияси маданият бўлимининг мудири.

**КОПЕНКИС Наум Михайлович** — «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси редакцияси бўлими мудири.

**МОРОЗОВ Иван Александрович** — пенсионер.

**МУСАЕВ Соат Ефимович** — «Тошкент



СССР—УМУМИЙ УЙИМИЗ.

УЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАСЛАР

Будённий номли совхознинг Ф. Бойзоков бошлиқ бригадаси 15 ишчиси турк, қозоқ ва ўзбек миллатига мансуб кишилардир. Фарғонада бўлган воқеалардан сўнг бу ердаги миш-мишларга ишониб, кўчиб кетмоқчи бўлганлар, ваҳимага тушиб, ишга чиқмай қолганлар ҳам бўлди. Эндиликда бу саросимали кунлар ортда қилиб оdatдаги осуда меҳнат жараёни бошланди. Бригада аъзоларининг ҳаммаси далада беда ва табиий пичан ўрми-йиғида қатнашаётган.

Лекин бир-бириндан ваҳимада миш-мишлар кучайган беҳаловат далада ҳам шу бригада аъзоси, турк ўғли Мурод Илёсов ўз акиси Қурбон билан бирор кунни қанда қилмай ишда бўлди. Хар хил гапларга ўзи ҳам ишонмади, бошқаларни ҳам оғир-вазмин бўлишга чақирди.

Биз Муродни дала бошидаги чайдала учратиб, суҳбатлашдик. У табиятан кўнглида борини тортишиб ўтирмай тўқиб соладиган очиккина йигит экан. Шунинг

учун ҳам суҳбатимиз тезда қовушиб кетди. — Янги газеталарни ўқиб, ўзимизни ёлғиз, мусофир эмаслигимизга яна бир бор ишониб хурсанд бўлиб ўтирган эдим, — деди у. — Мана сизлар ҳам ўқиб кўринг, пискентлик Келеш Тоиров, Раис Биналиев, Япит ўғли Карим, Япит Юсуповлар худди менинг кўнглимдаги сўзларни топиб айтишибди. Уларнинг суратларини қараганг, дўппи кийиб туришибди. Ахир урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз ўзбекларникига ўхшаб кетадими.

Мурод хажжонлиб сўзлар экан, кўнглимизга «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 20 июнь сонидан чиққан «Иссиқ ўринғизини совутманг...» сарлавҳали суратли мақолани кўрсатди. Биз М. Илёсовга бригадирнинг сўзларини эслатамиз.

— Ахир туғилиб ўсган еримизни, қондош-жондош бўлиб кетган ёру-дўстларимизни ташлаб қаерга ҳам кетаман. Менинг дадам ҳам шундай насихат қиладилар.

У киши Оққўрғон районидagi «Ленинбод» колхози устахонасида ишлаб пенсияга чиқдилар. Биз тўрт ака-ука ҳам ўша жойда туғилиб ўсдик. Онлани, уйли-жойли бўлдик. Ҳозир уч фарзандим ўзим сингари ўзбек мактабда ўқишапти.

— Мурод, ёру-дўстларим дедингиз. Ўшалар ҳақида гапириб берсангиз.

— Менинг энг кўнглига яқин саккиз нафар дўстим бор. Уларнинг бештаси ўзбеклардир. Бошимизга тушган ташвишли, ваҳимали кунларда улар мени ёлғизлатиб қўйишмади. Исмоил Турғунбоев, Рустам Хатамовлар кўнглимни кўтариб, далада беришди.

— Бригадангизда ишлар қандай кетаяпти?

— Укам Қурбон билан 26 гектар бедани ижарага олиб ишлаяпмиз. Яхшилаб ишлов бериб, қондириб сўрганимиз учун ҳосил ахши бўлди. Биринчи ўрмини ўз вақтида сифатли ўтказдик.

И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ, Оҳангарон райони.

Ҳойда қийин келган бу йилги шаронгта ҳам тadbиркор, омишкор деҳқонлар элчи қилаётганлар. Фидойилик, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бундайлар ҳақида сўз борганда кўпинча Карл Маркс номли колхозни тилга оладилар. Ҳақиқатан ҳам Ўрта

Чирчиқ районидagi бу хўжаликда дала ишлари жадал олиб боришмоқда. Бештўрт савол туғилади. Ахир бу хўжаликда ҳам ишлайдиганларнинг кўпчилиги турклар-ку, Фарғонадаги воқеалардан сўнг кўп жойларда ишлар анча ташлаб

БИРГА ҚУРДИК, БИРГА ЯШАЙМИЗ

қўйилган. Бу ерда-чи? — Раис Турғун ака Орипов бироз ўйланиб жавоб беради.

— Халқимизда мақол бор: «Молнинг шохига тегсанг, туёғи зирқирайди». Қондош, қариндошларда, албатта, биродарлари бошига тушган оғир кулфатдан кўп қайғуришди. Лекин ҳеч ким тушқунликка тушмади. Биз бунга йўл қўймадик. Қандай бўлмасин уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдик. Кетаман, деганларни ижволарга умчанг, кейин пушаймон бўласиз, деб ишонтириб, олиб қолшга ҳаракат қилдик. Ахир улар — турклар ниҳоятда меҳнаткаш одамлар. Бундайларнинг қадрига етмаслик инсофдан эмас!

Раис ҳақ гапни айтётган эди. Бу ерда меҳнати туркларни ўзбеклар билан ака-укадек бўлиб кетишган. Ҳамкорликда бамаслаҳат, елкама-елка меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам хўжаликда эришилётган ютуқлар қувончли бўлаётган.

Колхозда нисон омили биринчи ўринга қўйилган. Меҳ-

натин ташкил этишнинг янги-янги усуллари қўлланилмоқда. Ўтган йили хўжалик этиштирилган ҳосилини ўз кучи билан териб олди. Чунки термичиларга рабатлан-тирилган ҳақ тўланади. Моддий манфаатдорлик тармоқининг юксалишига, даромадининг кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса социал масалаларга алоҳида эътибор беришда муҳим омиллар.

Кейинги йилларда 190 та томорқа участкаси ажратиб берилди. Яна 120 та участка бериш мўлжалланмоқда. Энг муҳими шунки, юқорида кўрсатма қўйилмапти, 6 сотих ўринга хар бир колхозчига 12 сотихдан томорқа ери ажратилмоқда.


Ғамхўрликка жавобан деҳқонлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Даладаги айлансангиз бунинг гувоҳи бўласиз. Ўша ривожни кўзини қувонтиради. Раис Турғун Орипов бригада бошлиқлари Рустам Тасинов, Муштафо Шахнев, Холдор Нигматуллаев, Қодир Ботировлар билан учрашар экан, уларнинг ишдан хурсанд бўлиб

сўзлайди. Йигим-теримга ҳозирдан тайёргарлик қўрайлик, деб гапни бир ерга қўйишди улар. Бор ғўза туларини тўла сақлаб қолайлик. Ҳашаротга олдирмайлик. Бунинг чора тadbирларини кўришмоқда. Зулфия Абдуллаева бошлиқ биологик лабораторияда ҳашарот кушандаларни қўллаб тайёрлаб, пахтазорга қўйилмоқда.

Меҳнатдан келса боилик турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтмайдилар. Колхоз кишлоғи обод бўлаётган. Янги уй-жойлар қад кўтармоқда. Равон кўчалар барпо этилаётган. Мана бу янги боғчада кимларнинг болалари тарбияланишмоқда, деб сўрасангиз, миллат ажратишмайди. Бизнинг болаларимиз, деб айтишади турклар ҳам, ўзбеклар ҳам.

Ҳа, биргаликда, ҳамкорликда меҳнат қилиш бу совет кишиларига хос олижаноб фазилатдир.

Н. ИСАЕВ.



Суратларда: колхоз раиси (ўнгда иккинчи) Т. Орипов бригадирлар билан; колхознинг биологик лабораториясида; янги уйлар; колхоз болалар боғчасида.

А. Мальцев суратга олган.



ҲЕЧ КИМ РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

Фарғона области шаҳар ва районларида рўй берган ноҳуси воқеалар ҳақидаги хабар Пискентдаги туркларнинг ҳам тинчлини бузган эди. Бундан ўз вақтида ҳабар топган район партия комитети аҳоли ўртасида пайдо бўлган ваҳимага барҳам бериш учун шойлиқни чора қўришга киришди. Партия ва совет ходимлари турклар зич яшайдиган жойларга етиб бордилар. Оқтепа, Саид ва Дўнгқўрғон кишлоқ Советлари территориясида жойлашган хўжаликларда истиқомат қилувчи турклар ўртасида тушунтириш ишлари бошлаб юборилди.

Улар ваҳимага берилмай, ақл-идрок билан иш тутишга астойдил даъват этидилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари Турсумат Холбоев бошчилигида тузилган штаб аъзоларига хўжаликлар бириктириб қўйилди. Айна пайтда туркларнинг илтимосларига кўра жойларда хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилди. Бу ишларга район ички ишлар бўлими-

нинг ходимлари ва халқ кўнгилдилари жалб қилин-дилар. Штаб аъзолари пискентлик туркларнинг Фарғонадаги қариндош-уруғлари, яқинларининг тақдирини аниқлаш чораларини кўрмоқдалар. Район газетаси, маҳаллий радио эшиттиришлари орқали туркларга мурожаатномалар қилинмоқда.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси Жўрақул Отақулов, район партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудари М. Мирқамоллов, район прокурори О. Орифжонов ва район ички ишлар бўлими бошлиғи О. Турғунбоев ўрқоқлар турклар зич жойлашган «Пискент» ва «КПСС XXVII съезди» совхозларида ҳамда Охунбоев номли колхозда бўлиб тушунтириш ишларини давом эттирмоқдалар. Жонли мулоқотларда миш-мишларнинг асоссиз эканлигини исботлаб бера-яптилар. Айримлар кўчиб кетиш фикридан бутунлай воз кечмоқда. Кўнгиллари

хотиржам бўлиб яна иш жойларига дала, боғ, ферма ва идораларга қайтмоқдалар.

Район аҳолиси ўртасидаги тотувлик ҳам вазиетни соғломлаштиришни энгиллаштирмоқда. Ўзбеклар билан ҳам, табиийки, тоjik, қрим-татарлар ва турклар ўзоқ йиллар давомида аҳил ишаб келишмоқда.

Турклар орасида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан районда хурмат топган пахтакор, чорвадор, педагоглар, ажойиб шифокорлар бор. Уларнинг кўпчилиги ўз тақдирларини ўзбеклар билан туташтирганлар. Шулардан бири ажойиб пахтакор, меҳнат ветерани Мажид Шейхондир. Унинг турмуш ўртоғи Хайриносо опа ўзбек. Саккиз нафар фарзандлари бор. Келинлари Тамара — грузин, Муҳаббат — тоjik, Зубайда — турк, кенжа келини ва кўеби — ўзбек. Уйда ўзбек тилида сўзлашадилар.

Район спорт комитети раиси Исроил Илёсов ҳам ўзбек қизи билан оила қўрган. Бундай қон-қардошлик, тотувлик бор экан, турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликка ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайди.

Иброҳим ТОШЕВ, Пискент райони.

ОТАХОН ҲАЛИ ТЕТИК

РЕСПУБЛИКА КАТТА АДВОКАТИ ЖАЛОЛ МАХСУМОВ 80 ЕШДА

РОССИЯДА Октябрь инқилоби юз бергани билан унинг илқ шабадалари Ўрта Осиёга теъда етиб келди. Бу томонларда до-роломон кунлар бошлангунча кўп машаққатлар чекишга тўғри келди. Батрак оила-сида туғилганлиги учун Жалол ҳам ўша пайтлардаги ҳаёт машаққатларини ўз бо-шидан кечирди.

У ҳали ўнга тўлиб-тўлмаган бола ёшиданоқ рўзгор намчилликлари тўлдириш мақсадида ишлашга мажбур бўлди. 1919 йилдан 1922 йилгача маҳаллий бойлар эшигига хизмат қилди. Фақат комсомол сафига кирганидан сўнггина ҳақиқий ҳаёти бошланди.

1924—1926 йилларда комсомол активларидан бири сифатида партия топириқларини бажаришга киришди. Жамоат тартибини сақлаш жанговар дружинаси бошлиғи бўлиб Жалол Махсумов Самарқанд, Бухоро ва Андижон областларида босмачи унсуруларнинг аксизлиқлобий ҳаракатларини бостиришда фаол қатнашди. Жа-водбек, Холмат, Эргаш кўр-бошилар бошлиқ босмачи тўдалари бевосита унинг раҳ-барлигида фoш этилди ва ту-гатилди.

Ж. Махсумов 1930—1934 йилларда маъсул раҳбарлик ишларига жалб этилиб, бой-

лар ва қулоқларга қарши курашди, ноҳол тузумини шакллантириш ва мустақамлаш юзасидан деҳқонлар ўртасида ташвиёт-тарғибот ишларини олиб борди.

Бу орада юридик маълу-мот олган, 1934—1936 йил-ларда республика прокуратура органларида аввал рай-он, сўнгра шаҳар прокурори бўлиб ишлади. 1936—1942 йилларда эса Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссари-ати аппаратида халқ суди ре-визори, область юстиция бошқармасида бўлим бошлиғи ва бошқарма бошлиғи ла-возимларида ишлади. 1948 йилдан то 1988 йилгача Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси аъзоси бўлди.

Ж. Махсумов пенсияга чиққангидан сўнг ҳам икти-моий фаолиятини актив да-вом эттирмоқда. У Киров районидаги 30-уй-жойлардан фойдаланиш идораси партия бюроси аъзоси, ўрқоқлик су-дининг раиси, партия таш-килотига ҳуқуқ масалалари юзасида маслаҳатчирид.

Бир сўз билан айтганда бутун онгли ҳаётини ҳуқу-қий таълимни ташвиқот-тар-ғибот қилишга бағишлаган меҳнат ветерани Жалол Мах-сумов 80 ёшга тўлган бўли-шга қарамай, отахон ҳали тетик, жамоатчилар сафида фаол меҳнат қилмоқда.

СССР Мудофаа министрлигида

4 июль кун қўшинлар-нинг шимолӣ группаси ави-ация қисмларидан бирида Польша Халқ Республикаси территориясини тепасида «Миг-23» қирувчи самолёти мажб қилиб пастлаб уцаётганида авиация техниксининг но-созлиги сабабли совет ҳар-бий учувчиси катапульта ер-дамида парашютада ерга ту-

шишга мажбур бўлди. Учув-чи тирик қолди.

Самолёт боксариламган ҳолатда Габр томонга учиб бораверди ва Бельгия тер-риториясига қулади.

Совет томони ана шу учуш аппарати ҳаво йўла-ридан ўтган давлатларнинг ҳуқуқматлари билан алоқа ўрнатмоқда.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси муҳокамада

БАРОБАР МАЖБУРИЯТ

ТОШКЕНТ Давлат маданият институтида ҳам

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси муҳокама-си кўнги давом этмоқда. Шу олий ўқув юрти кутуб-хонашумослик кафедраси мудир, тарих фанлари доктори, профессор О. Р. ҚОСИМОВА мухбиримиз билан суҳбатда бу ҳужжат ҳақидаги фикр-мулоҳа-заларини айтиб берди.

— Осиё Ғофуровна, кейинги вақтларда жамоатчилик ўртасида ўзбек тилининг ке-лажак учун ташвиш уйғон-ганлигининг сабаби нима-да, деб ўйлайсиз?

— Халқимиз маданияти узок тарихга эга. Урф-одат-ларимиз ҳам, тилимиз ҳам асрлар давомида ўзига хо-тарзда шаклланиб ва ри-вожланиб келди. Лекин бу-гунга келиб, айниқса, тили-миз иккинчи даражада бў-либ қолганлиги ташвишга сабаб бўлди. Ҳатто, бола-ларимиз дарслар рус тили-да олиб бориладиган мак-табларга ўқишга бера бош-ладик. Она тилимиз ўзаро муомаладан бошқа ҳеч қа-ерда ишлатилмай қўйилди. Мак-таблар рус тилида олиб борилади. Барча корхона, ташкилот, муассаса, маъму-рий органларда, давлат ап-

паратда ҳужжатлар шу тилда тайёрланди. Илмий изланишлар рус тилида ёзи-лади. Кўплаб олий ўқув юр-тларида энг мураккаб фан-лар бўйича ҳам дарслар тў-лиқ рус тилида ўтилади. Шу йўсинда ўзбек тилини би-лишга эҳтиёж камая борди. Бизнинг институтимизда ҳам 1985 йилда ўзбек тили на-федраси ёпиб қўйилди.

Гоҳо турли давраларда ўтириб, одамларнинг ўзаро муомала тилига эътибор бе-риб ҳайрон қоламан. Ҳатто, қарияларимиз ўртасида ҳам соф ўзбек тилида гапирол-мовчилар бор.

— Шу жиҳатдан олганда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилаётганлиги аини мудоао бўлди. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Республикада юздан ортқ миқлат ва элат

вакиллари яшамади. Улар мазкур масала юзасидан турлича фикр билдирши-япти. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши рес-публикамизда яшовчи бош-қа миллат ва элатлар ман-фаатларига зид бўлиши мумкинми?

— Ҳеч вақт-да. Зид бў-ладиган жойи йўқ. Бу ҳақ-да лойиҳанинг I бобидаги I-бандда алоҳида тўхталиб ҳам ўтилган. Унда, жумла-дан, шундай дейилади: «Ўз-бек тилининг расмий дав-лат тили статусига эга бў-лиши Ўзбекистон ССРда яшайдиган бошқа миллат

гражданиларнинг ўз она тилини ва миллатлараро муомала тили сифатида рус тилини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларини камситмайди».

Лекин лойиҳа республика-мизда яшовчи барча мил-лат ва элатларга баробар мажбурият юклайди. Бу ҳақда II бобнинг 8-бандида, хусусан, шундай дейилади: «Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари давлат тилини ёки рус тилини билимаслик

баҳонасида хизмат кўрса-тишдан бош торттишга ҳақиқ эмаслар». Шунинг учун ҳам, табиийки, лойиҳа қо-нун кучига киргач, давлат тилини билимчилардан уни ўзаро сўзлашга олиш дара-жасида билиш талаб қили-нади. Мана ҳозир институ-тимизда ўзбек тили кафедр-раси қайтадан очилиш ара-фасида. Янги ўқув йилидан бошлаб, дарслар рус тилида ўз она тилидагидек мукам-мал фикрлай олмайд. Шун-дай экан талабаларга мурак-каб фанларни ўз она тилида ўргатиш тайёрланаётган кадрлар савиясини ошира-ди.

— Осиё Ғофуровна, қо-нун лойиҳасидаги эски ўз-бек ёзувига бағишланган банд ҳам қўллаб мувозараларга сабаб бўлмаяпти. Шу ҳусусда сизнинг фикрингиз қандай?

— Грузия ва Болтиқбўйи республикаларида эркин маҳаллий аҳолининг тили давлат тили ҳисобланади. Уларнинг алфавити ҳам ўз-гармаган. Шу сабабли улар ўз халқлари тарихини яхши билишади. Хар бир киши тарихни турли манбалардан ўқиб-ўрганиш имкониятига

эга-да. Бизда-чи? Икки ма-ротаба алфавит ўзгариши халқимизнинг ўзини ҳам ўз ўтмишидан ажратиб қўй-ди. Ёшларимиз ўзбек халқ-ий тарихини билишмайди, унинг кўп даврлари эса ҳо-зирги давр талаблари нуқ-тан-назаридан қайтадан ўр-ганиб чиқишга муҳтож. Шу ишларни амалга ошириши керак бўлган ёшларимиз орасида эса ўзбек тилида, Ҳатто, китоб ҳам ўқима-диганлар бор. Шунинг учун ҳам институтимизнинг дарс-лар ўзбек тилида олиб бо-риладиган группалари та-лабаларига эски ўзбек ёзуви-ни ўргатишни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Халқимиз-нинг тарихини, унинг ма-даният меросини ўрганиш диларимизнинг билим са-виясини оширади, эътиқо-дини мустаҳкамлайди. Шун-инг учун ҳам қонун лойи-ҳасидаги VI бобнинг 24-бандида жуда бўлмаганда олий ўқув юртларининг гу-манитар факультетларида араб алифбесига асослан-ган эски ўзбек ёзувини ўрга-ниш тавсия этилса, мақсад-га мувофиқ бўларди.

— Сўзбатни «Тошкент ҳа-қиқати»нинг махсус мух-бири М. ҚОСИМОВА ёзиб олди.

ОРЗУЛАРИМИЗ УШАЛМОҚДА

СИР ЭМАС, то шу кун-ларгача республикамиздаги деярли барча давлат ва жа-моат органларида ёзув-чи-зув, ўзаро муомала рус тили-да олиб борилади. Бу рус ти-лини билимаган айрим граж-данларга ача қийинчилик ту-дириб келаяпти. Шу боси-дан республикада тиллар тў-ғрисидаги қонун лойиҳаси эъ-лон қилиниш мақсадада мувофиқ бўлди. Аниқроғи, бу лойиҳа кўпдан кутиб юрган орзу-умидларимиз ушалаётгани-дан далолатдир.

Лойиҳада ўзбек тилини Ўзбекистон ССР Давлат ти-ли сифатида расман қўлла-ниш қонунини ва ҳуқуқий асослари I бобда тўла шарҳ-лаб берилган. Бу эса респу-бликамиздаги бошқа халқлар билан ҳамкорлик, ўзаро ало-қа воситаси бўлган рус тили-ни ва бошқа миллатлар ти-лини камситмаган ҳолда ўз-бек тилини давлат тили си-фатида давлат ва жамоат ор-ганларида, маданият, фан, халқ таълими, солиғини сақ-лаш, адлия ишларида ҳамда

ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида кеиғ қўллаш учун йўл очиб беради.

Шу босидан мен оддий ҳуқуқшунос сифатида лойи-ҳадаги 5 бобнинг 22-модда-сида алоҳида изоҳлаб ўтил-ган, «Ўзбекистон ССР граж-данларида адвокатлар ҳайъ-ати томонидан амалдаги қо-нунда кўзда тутилган юри-дик ёрдам ўзбек тилида ёки рус тилида, миллий гуруҳлар гуҷ яшайдиган жойларда эса ўша миллат тилида берила-ди», деган фикрга тўла қў-шилиман.

Р. СИДИҚХУҲАЕВА, Ўзбекистон автогнранс-порт ишлари бўйича иж-тисослашган юридик консультацияси адво-кати.

КЎЧАЛАР НОМИ ЎЗБЕКЧА БЎЛДИ

КЎПДАН бери бир масала хусусида ўйлаб, тайинли ҳу-сулсиз келолмай юрамиз. Бизнинг Ғазалкент шаҳри-миздаги деярли ҳамма кўча-ларга нима учундир русча ном берилган. Шуниси қи-зиқи, бу номлар бирор та-йинли маънони англатмайди экан. Кольцевая, Пионерская, Песчаная, Лесхозная, Акса-гатинская... Бундай ата-малар рўйхатини давом этти-ра-верш мумкин.

Ҳайриятки, қайта қуриш шамоллари бизнинг томон-ларга ҳам етиб келди, кўча-ларимизга ўзбекча номлар қўйилди. Чунюнки, Лесхоз-ная кўчасига Афғонистонда янгиёриналган бурчини ба-жариш пайтда дахрамон-ларча ҳалок бўлган Элдор Ласанов номини берилди. Пес-чаная кўчаси энди Ўлутбек, Геологическая кўчаси Пул-дош Охунбоев номин билан аталмоқда. Бундан ташқари шаҳар кинотеатрларида на-мойиш этиладиган кино-

фильмлар номлари афиша-ларга ўзбек ва рус тиллари-да ёзилладиган бўлиб қолди. Бирок бошқа жойларда қандай билмаймизу. Ғазал-кентда кинофильмлар ҳамон рус тилида номойиш этил-моқда. Ўзбекистоннинг туб аҳолиси бўлган ўзбекларнинг ўз она тилларида кино-фильмлари томоша қила ол-масликлари ҳуқуқий тенглик принципларига мутлақо зид-дир.

Ўйлаймизки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берили-ши тўғрисидаги қонун бу му-аммонинг ҳал этилишини ҳам тезлаштиради.

Р. ИСМОИЛОВ.







Пойтахтимизнинг Карл Маркс кўчасида бўлиб ўтган савдо кўргазмасида «Зарафшон», «Фестиваль», «Тошкент», «Россия» ва бошқа бир қатор ресторо-ларнинг қандолатчилари ўзларининг мева ва сабзавотлардан тайёрлаган фирма махсу-лотларини тавсия этдилар. Бу ерда турли хил кўкатлардан ҳазирлаган салатлар, мусс, самбук, олча, олма, ўрик, ма-линалардан тайёрланган пирог-лар намойиш этилди.

## МАВСУМИЙ ТАОМЛАР БАЙРАМИ

Савдо кўргазмаси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг умумий оқатланиш бош бош-қармаси томонидан уюштирил-ган бўлиб, у хонадон соҳиба-лари учун ўзини хос бир мак-таб вазирасини ўтади. Шах-

римизнинг малакали қандолат-чи ва ошпазлари аёлларга сар-хил қарам, лавага, сабзи, картошка ва бошқа сабзавот-лардан таомлар пишириш сирларини ўргатдилар. Республикамиз пойтахтининг

ошхоналар трести вакиллари ҳам сабзавот ва мевалардан тайёрланган кулинария махсу-лотларининг кенг ассортимен-тини намойиш этишди.

— Биргина сабзавотларнинг ўзиндан йиғирма хил таом тай-ёрлаб келдик, — дейди Фрунзе-район ошхоналар трести катта инженер-технолог А. Дубро-вин. — Арзонгина пирожки ва пирогларимиз эса аҳоли томонидан севиб харид қилин-ди. Моҳир ошпазимиз Жўра

В. ФЛОРЕНЦЕВ.

## «ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА КИРИТИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Зоология ва па-разитология илмий текши-рини институт олимлари са-маралар излашлари туфай-ли қатор камбў ҳайвонларни қўлайтириш учун қўлай ба-за яратилмоқда. Айрим гео-график ландшафтлар шароити ўрганиш натижасида эса йўқолиб бораётган ба-зи ҳайвон турлари аниқлан-ди.

Бухоро бугуларини қўлай-тириш тадбирлари қўрилди. Шунингдек, бурама шохли эчкилар, жайронлар учун қў-лай яшаш зоналари барпо этилди.

Шуниси диққатга сазовор-ки, илмий муассаса мутахас-сислари аниқлаган бу хил ҳайвонларнинг бир неча тур-ти Ўзбекистон ССР «Қизил китоби»га киритилди. Ушбу адабиётнинг иккинчи нашри айрим йиллар ичда топ эти-лади.

С. ОДИЛОВА.

## БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

## БУНЧАЛАР МЕҲРИБОНСИЗ

Ширин сўз-жон озиги деб беиз айтишмас экан. Рес-публикада хизмат қўрсатган врач Масъуда Миромилова, участка ҳамшираси Ҳолида Уломухамедоваларнинг хуш-муомалалиги, инсоний эъти-бори ва нажоткорларга хо-самимий муносабати кўп-лаб беморларга саломатлик ҳам-да яхши кайфият бахш эт-моқда. Шу жумладан мента ҳам. Масъуда «Ўзбексель-маш» бирлашмаси медицина санитария қисмининг Таш-қўрғон территориясидаги фи-лиалда ўз бурчини адо эт-моқда.

Сихатлигим тобора ях-шиланиб бормоқда. Қон босимидан анча фори бўлиб қолдим. Беморлар дилига йўл топиб хизматини сида-дилдан бажарётган Ҳолида-дан кўпчилик миннатдор.

НАСИБА ОРНОВА  
пенсияер-ишчи

## РАҲМАТ

Яқинда тасодиф туфайли йиқилиб тушиб чап оёғим-нинг товои суғи сида. Оғ-риқнинг эридан дериб бе-хуш эдим. Шунда мен Тош-кент шаҳар тез ёрдам шифо-хонасига олиб келишди. Ши-фохона врачлари зудлик би-лан зарур ёрдамни қўрса-тишди. Оғриқ биров камайиб ўзимни дурустроқ сеза бош-ладим. Дастлаб кўтқиқ таф-да юрдим. Ҳозирда эса со-ғайиб оилам бағрига қайт-дим.

На фанат аниқ муолажа-лари, балки ширин муомала-лари билан ҳам беморлар дардига малҳам бўлаётган клиника врачлари Галина Латипова, Шавкат Дусматов, ҳамширалар Людмила Алек-сееваларга миннатдорчили-гини газетангиз орқали э-казишнингизни илтимос қила-ман.

М. ЮСУПОВ.

# АЙТИЛМАЙ ҚОЛГАН СЎЗЛАР

«Чумчуқни тўпдан отиб ўл-дирдилар, у тилкапора бўлиб кетди. Айтингчи, чумчуқни ҳам тўпдан нишонга олиш мумкин-ми?»

[Йўлдаги суҳбатдан].

УЗОҚ йиллар колхоз партия комитети-га секретарлик қилган, охири пайтларда ўр-та мактаб директори вазифасида ишлаган Эркин Давлатов қон босими кўтарилиб, тўсатдан вафот этди.

Уни колхоздагина эмас, районда ҳам ях-ши билишарди. Маҳалла комитети раиси эди. Шунча йил ишлаб бирор мукофот таъма қилмади, юқори мансабларга инти-ламади. Меҳнаткаш ва камсуқум одам эди у.

Шундай одам вафот этди. Угиллари тў-ри тўн устидан қийқ боғлаб, қизилар хун-бийрон бўлиб йилгадилар. Уларни юпатиб, тинчлатиб бўлмасди. «Емонларнинг даст-идан ўлиб кутилган, вой отам!» — Қизлар-нинг дод-фарадларига одам боласи чи-дам беролмасди. Маҳалла активларининг дашлар ичда, мактаб ўқитувчилари бош-ларини кўтариша олмайд.

Бахмал ёлпиган тобут ортдан бутун кол-хоз эргашди. Кабрисонда қисқана мингит бўлди. Район партия ва ижроия комитети вакиллари, колхоз ва Яллама қишлоқ Со-вети раҳбарлари ҳам шу ерда эдилар.

— Бугун биз ақойиб инсон, чин комму-нист Эркин Давлатовни сўнгги йўлга ку-затмоқдамиз. У қайси вазифада ишлама-син, ўз ҳалоллиги, принципиаллиги, таш-килотчилигини қўрсатди. Маҳаллада Эркин ақони ҳамма ҳурмат қиларди...

Нотиқ анча гапирди. Кимдир ҳушидан кетди. Тобут лаҳадга қўйилди. Бир зумда қичкина тепалик пайдо бўлди. Уқувчилар гуллар қўйишди. Тоалимга кўра сўрадилар: — Ҳолойик, марҳум қандай одам эди? — Ҳамма бир овоздан «Яхши одам эди, ҳудо раҳмат қилсин!» деб жавоб берди...

Қарангки, Эркин Давлатов яхши, чин ин-сон экан. Бунини у бевақт вафот этгандан сўнг айтмоқдалар. Тирингда эса на район партия комитетида, на район халқ таълими бўлимида бирор киши арзини тингламади. Эрта-инди пенсияга чиқадиган одам но-ҳақликдан вужудга титраб, ариза ёзди-ю, мактабни тарк этди.

Эркин ака вафотидан сал олдин фар-зандларига шундай деган экан:

— Сал ўзимга келиб олай, райком раҳ-барларига ҳам, бошқаларга ҳам айтидиган сўзларим бор.

Афсуски, ўша сўзларни айтолмади. Ай-толмаган сўзларини, тиналарини ўзи би-лан олиб кетди...

Х Х Х

МАКТАБ директори Эркин Давлатов би-лан мактаб илмий бўлими мудири Тўлан Хамиджонов ўн бир йил елкама-елка ту-риб меҳнат қилдилар. Шу даврда улар бирор марта «сан-манган» боришмади. Би-ри мактабда бўлмаганда бошқаси унинг йўқлигини билдирмай турарди. Коллектив ҳам иноқ эди. Ўқитувчилар ҳамша бир-бирларини қўллаб-қувватлашарди. Таъ-лим-тарбия ишлари ўз меромида борарди. Ҳамма бало ўқитувчиларнинг илмий бў-лими мудири устидан шикоятларидан бош-ланди. Дастлаб Эркин ака: «Қўйинглар, ун-га ҳам қийин, асабларини чарчайди. Ундан кўра интизомига эътибор беринглар, деб уларни қайтарди. Бирок, арзномалар ка-маймади. Бунинг устига директор ҳам му-дирнинг бежо ҳақти-ҳаракатларини сезиб қолди.

Шундай қилиб, Тўлан Хамиджоновнинг ҳуқуқи мактаб касба союзи йиғилишида му-ҳокама қилинди (1988 йил декабрь). Йи-гилишда икки масала — мактаб илмий бўлими мудири Т. Хамиджоновнинг иш фаолияти ва ўқитувчиларга муносабати ҳақида ҳам-да ташкилий масала қўрилди. Дебдурст-дан чақирилган йиғилиш мудири учун ку-тилмаган ақола бўлди. Унинг ўқитувчилар-га нисбатан қилган ноқўла ҳақ-ҳаракатла-ри қаттиқ қораланди. Кўпчилик овоз билан Тўлан Хамиджонов эгалаб турган вазифа-сига нолойик деб топилди. Эртасига район халқ таълими бўлимига мактаб илмий бў-лими мудирининг нотиғи ишдан бўшатил-гани тўғрисида ариза тушди. Орадан эса кўп ўтмай район партия комитетининг би-ринчи котиби номига мактаб директори-нинг кирдиқорларини фойда этувчи шикоят

эзилди. Мактаб коллективининг тинчи йў-қолди. Текшир-текшир авжига чиқди.

— Касба союзи йиғилишида ҳамма юз-хотир қилмай дилдаги гапни айтди, — дей-ди бошланғич синф ўқитувчиси М. Одило-ва. — Мен ҳам Тўлан ақонинг ҳуқуқи ҳақи-да гапирдим. У киши ўзининг қўполлиги, таъмағирлиги туфайли кўпчилик ўқитувчи-лар ўртасида норозилик уйғотди. Тўлан ака ўқитувчиларнинг юриш-туришидан, ишдан камчилиқ қидирар, бунинг натижа-сида чойчақа ишлаб қолиш пайига тушди. Биз мажлисда шулар ҳақида батафсил гап-лашдик. Йиғилишдан тўғри хулоса чиқармаган Хамиджонов ивғоварлик йў-лига ўтиб олди.

«Уша биринчи мажлисдан кейин Хамид-жонов қандай бўлмасин Э. Давлатовнинг ди-ректорликдан кетказиш йўлини ахтари бош-лади. Унинг район партия комитетида ёз-ган шикоятни юзасидан мактабда очик пар-тия мажлиси ўтказилди. Мажлисда комму-нистлар Э. Давлатовнинг йўл қўйган кам-чиликлари учун унга ҳайфсан эълон қи-лиш ва ўз вазифасида қолишни тақдир қи-лдилар. Бу тақдир биргина район партия комитетининг партия комиссияси раиси В. Кимга маъқул тушмади. Унинг фикрича, директор ҳозир ўз вазифасида қолса, бе-риб Хамиджонов тинчимайди. В. Ким ўз сўз-ини тугатмасдан Э. Давлатовни қўлга-дан эзиб қўйган ишдан бўшаш тўғрисида-ги арзасини чиқариб, «мен учун коллек-тив қўйилмасин» деб қўшиб қўйди» (Му-ротованинг тушунтириш хатидан).

## ОҚИБАТ

Эркин ака «Яллама» қишлоқ Совети иж-роия комитетининг аъзоси сифатида жа-моат ишларида фаоллик қўрсатарди. Э. Давлатовнинг мактаб директори вазифа-сида бўлиши ўша пайтдаги сайлов участка-сидаги фаолиятини давом эттиришга ҳава-қил бермади. Катта ташкилотчилик қи-ялигига эга бўлган бу киши ҳўжаликда «Наврўз» байрами шодоналарига тайёр-гарликда активлик қўрсатаётганида ки-мингдир ноўрин гапни унинг юрагини жаро-ҳатлади. Кўрагини чағаллаганча кўзлари-ни юмди. Олти кун касалхонада ётганида ҳам кўпирклири қайтарилмади...

— Мен асло бирова ёмонлигини раво кўрмайман, меннинг қилмигини халқ ях-ши билади, шунинг учун сизларга ёмон-лик қилган кишини яхшилик билан енгит-лар, деб кўп қайтардилар дадам, — дей-ди Эркин ақоннинг қизи Ҳайрихон Мирз-эйдолшова. — Мен шикоятни текширган-ларидан ҳафаман. Менимча, шикоятни тек-шириш қиришдан олдин шикоятчининг, текширилувчининг шахси билан қизиқиб кў-риш керак эди. Хамиджоновнинг шикоят-и бўйича келган район ижроия комитетининг вакили эса шикоятчиларга ён босди!

Район партия комитети архивда сакла-наётган шикоят арзаси билан танишиб чиқдим. Шикоятда Давлатовнинг ўрнига қизлари дарс ўтгани, кишингидар жоноза-сига йиғилган пуддан «уриб» қолганили, район халқ таълими бўлими мактабга ақ-ратган фонддан кам чиққанилиги, мактаб устакхонасидаги уқсунани ишга туширишга ўқитувчилардан пул йиғилгани зўлганлиги.

— Шикоят қисман тасдиқланди, — дей-ди партия комиссияси раиси Виктор Ким. — Мен Эркин ақони анча йилдан буён била-ман, — ҳалол, принципиал инсон эди.

— Эркин Давлатов ўқитувчилардан пул йиғган бўлиши мумкин. Ишоним қилим, Эркин ака бу пуллари ўзи учун йиғмаган, — дейди район халқ таълими бўлими му-дир Топшўлат Эргашев.

Эътибор берган бўлсангиз, район миқ-сидида иккала раҳбар ҳам Эркин ака тўғ-рисида ҳеч бир ёмон фикр билдирмаганли-ги. Аксинча, унинг инсоний фазилатлари ҳақида кўпроқ гапириб беришди. Шундай экан, шикоятни текшираётганда нега Эркин ақонинг бу фазилатлари эътибордан четда қолди? Бир инсоннинг тақдирини ҳа-қида қайлаётганда ниятдада масъулият билан иш олиб бориш зарур эмасмики?

— Менинг масаланинг касба союзи йи-гилишига қўйиригандан кейин шикоят эъ-

дим, — деди Тўлан Хамиджонов ҳеч тор-тинмасдан.

Шу бир оғиз жавоб унинг қилмигини қўрсатиб турганига изох беришининг ҳо-жа-ти бўлмасе керак.

— Шикоятда Эркин ака мендан ҳам пул олганлиги қўрсатилган, — деди ўқитувчи М. Ускинова ва томоғига бир нарсга тикил-гандек гапиролмай қолди, қўзларидан ёш чиқиб кетди... Бироздан сўнг қўлигига бир парча қоғоз тутқазиб кетди. «Тўлан ака уйга келиб директор мендан пул олган деб эзиб бермасанг бўлмайди, деб туриб ол-ди. Мен пайсалга солдим. Уйимизда бир неча соат ўтирди. Охири турмуш ўртоғим «ёзсанг эзиб берайол, шу билан қутила-сан», деди. Кўп мулоҳаза қилиб, охири эзишга мажбур бўлдим».

Бу тушунтириш хати қўрол бўлиб хиз-мат қилди. Бу ўқитувчининг кейинги ёзган тушунтиришлари инобатга ўтмади. «Мен учун бу воқеа аччиқ сабоқ бўлди. Мен учун бу одам (Э. Давлатов деюқчи — А. Ф.) жуда кўп яхшиликлар қилганди. Ме-нинг биринчи ўқитувчим эди. Ҳаётда ҳам, оиламда ҳам кўп ёрдамлар берганди. Мен нонтепиклик қилмадим».

— Бизга биринчи кўргазма ҳужжат. Ун-дан кейин эзилган юзлаб ҳужжатларнинг қа-дари йўқ, — дейди В. Ким.

Қизиқ, у ўзини жорий этилган бу «темир қонун» қачон, қаерда, ким томонидан тас-диқланган экан!

...Ускинова ҳозир виждон азобида қий-налмоқда. Биринчи кўргазмадан нотиғини-нинг валломати олдиди ҳам айтишга тайёр-ман, деб турибди. Лекин партия комиссия-сининг раисига негадир унинг биринчи ёлгон кўргазмаси қадрлироқ экан.

— Эркин Давлатовни узоқ йиллардан бе-ри яхши билардим, ақойиб инсон эди, — дейди Яллама қишлоқ Совети раиси Эргаш Қўшимов. — Ҳар иккиси билан ҳам алоқи-да-алоҳида суҳбат ўтказганмиз.

Йўқ, бизингча алоҳида-алоҳида суҳбат-лашиш эмас, балки уларни ўрнатириш, юзлаштириш, яраштириш йўллариин ах-тариш керак эди. Иккаласи ўртасидаги адо-ватни йўқотишга интилиш лозим эди. Ана шунда маҳаллий ҳокимиятнинг одамларга ғамхўрлиги, халқчилиги билинарди.

Инсон ҳаётдан кетди, тирикчилигида қадр-ламалариди, аксинча, уни қаттиқ ранжитди-лар. Мен район халқ таълими бўлими му-дир Топшўлат Эргашевнинг ўша йиғи-лишида Эркин Давлатовни ҳимоя қилмаган-нидан, собиқ директори райком вакилла-ри қақиртириб бир оғиз кўнглини сўрама-ганидан ажабландим. Ахир, амал қурсан-лар ҳеч қимга баҳолаб берилмаган. «Улуг ҳинд-адиби Р. Тагор: қимчи яхшилик қила-ман, деб ҳаддан ташқари узоқ мулоҳаза қоритса, яхшилик қилишга вақти қолмайди, деб жуда тўғри айтган. Вақтимиз, имкония-тимиз борида шикаста қўйиларига таскин берсак, адолатсизликни қарши қурашсак яхши эмасми!

Инсон ҳаётдан кетди, унинг фарзандла-ри, қилган яхшилик—эзгуликлари қолди. Мен Тўлан ақонинг кечалари ўз хатолари-ни йўлаб, тўғрисида чиққиларини сезиб ту-рибман. Эркин ака тўғри бўлганда ҳам, уэр сўраб, кўнглини бўшатиб олиш мумкин эди. Эзгуликнинг кеми йўқ, дейдилар. Бир-лашмайд айтидими, қимчи ўз қамчилиқ-ларини тан олишдан уялса, бора-бора у орсилаҳар ҳам оқийол бўлашди. Биз Тўлан акага демократизм, мард бўлини, ўзин-гиздан сўнг фарзандларингизга адоват уруғларини мерос қилиб қолдирманг, улар-нинг келажакини ўйланг. Мард бўлиб Эркин ақонинг фарзандларидан уэр сўранг.


Эркин ақонинг фарзандларига ҳам айта-диган гапларимиз бор: сизларнинг отала-рингиз кечирилди, камтарин инсон эди. Эҳтимол, у тирик бўлганда Тўлан ақонинг хатоларини кечирарди, қўнгида тўпгани-дан қолган сўзларини, тиналарини айтиб бўлса ҳам кечирарди. Шунинг учун, сиз ҳам адо-ват байрогини кўтарманг, оталарингиз на-сиҳатини унутманг. Улуг рус аъзуси Л. Н. Толстой ўқтирадики, инсоннинг ҳақиқий ку-чи унинг шиддатига эмас, балки метиндай осийшталлигидир.

Аббор ГҲЛОМОВ,

«Тошкент ҳақиқатининг махсус муҳбири».

## ОНА-БАТАН БҲЙЛАБ

✦ ЛИПЕЦК. Трактор за-водининг коллективи интеграл-схема асосида ясаган, 150 от қучини эга бўлган ўз машина-сининг тажриба намунасини синиб қўриш учун Кубань да-штага юборди. Мамлакатимиз йирик қишлоқ ҳўжалик реги-онлари принципал жиҳатдан янги бу техника учун синов-лар майдонига айланди. Кела-си йили қорхона бу истиқбол-ли тракторларнинг тажриба-сановат туркуминини тайёрлайди. Махсус тракторлар хилма-хил операцияларни бақара олиши ҳисобига деҳқон меҳнати унумдорлигини анча ошира-ди. Айни пайтда заводда ре-конструкция ишлари бошлаб юборилди. Бу йилига интеграл-схемали 30 минг янги машина ишлаб чиқарадиган қувватлар яратиш имконини беради.



✦ АРХАНГЕЛЬСК обла-сти. СССР Марказий телеви-денсиянинг «Орбита» тар-моқларига узатилаётган эфир-лиништириллар программа-сининг телефон-телеграф ра-диоалоқалари системаси-ни эксплуатация жиҳатидан таъминлаш мақсадига на-батдаги «Молния-3» алоқа йўқдоши учирди. Суратда: «Молния-3» парвозда.



✦ ХАБАРОВСК. Узоқ Шарқ граждн авиацияси-нинг «МИ-6» вертолети эки-пажига иккита улкан чағ уш-лазичи мосламасини ўрнатиш учун атиги 1,5 соат вақт ки-фой қилди. Непитиш анжон-лари заводчининг қувон ҳеми томоғига ўрнатилаган 8 тонна-лик бу конструкциялар ҳаво-ни бўлғовчи зарарли чи-қинди чағларини ушлаб қо-лади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

✦ ТАШКЕНТ. «Орбита-сервис» тошкент об-ласть техника маркази. Аҳоли ихтиёрида фойдаланилаётган барча ра-нгли телевизорларда профилактик ва регламент тар-тибидagi ишларни амалга оширади.

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

8 ва 9 июль соат 16.00 да

«ИНЬ-ЯНЬ» БИРЛАШМАСИ

## «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»

ҚУНГИЛОЧАР ШОУ-ПРОГРАММАСИНИ

## НАМОЙИШ ЭТАДИ

ПРОГРАММАДА:

«УШУ»нинг ташқи ва ички усуллари; кореяча ТАЙКВАНДО курашининг оёқ, қўл комп-лекслари; нота рақслари, каратэ-до, ўз-ўзини ҳимоя қилиш усул-лари, жуфт-жуфт бўлиб амалга ошириладиган «айкида» машқлари.

Республика Модалар театрининг чиқишлари.

Замонавий кийим-бошлар намойиши.

АУКЦИОН! АУКЦИОН! АУКЦИОН!

Олдинда билет сотиш кассаси очил-ди. Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди. Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қи-ла-ди.

Справкалар учун телефонлар — 44-35-91, 44-35-84.

## КОРХОНАЛАР, ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ